

"Спортни сев, спорт билан яша" **мавзусида спорт мусобақалари** **ташкил этилди.**



2022-йил 7-апрел куни Қумқўрғон туман "Тебат" маҳалла фуқаролар йиг'инида жойлашган туман Маънавият ва маърифат бўлими билан ҳамкорликда Халқ таълим бўлимига қарашли 26-сонли умумтаълим мактабида "Спортни сев, спорт билан яша" мавзусида 5 та муҳим ташаббуснинг 2-йўналиши "Ёшларни жисмоний чиниқиш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган" ташаббус доирасида ҳарбийлар ва "Тебат" маҳалласининг уюшмаган ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилди. Ғолиб жамоалар эсдалик совғалар билан тақдирландилар.